



## Юртимиз истиқболи эгалари илму маърифатли, юксак салоҳиятли ва касб-хунарли ёшлардир

**ЁШААР** — юрт келажиги, миллат давомчиларидир. Уларнинг аждодларимизга муносиб авлод сифатида улгайиб, мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида ҳамжихатлик билан дадил интилишлари келажиги буюк давлатимизнинг пойдевори мустаҳкам бўлишидан далолат беради. Зеро, 2008 йилнинг Ёшлар, 2010 йилнинг Баркамол авлод йили, деб аталиши замирида ҳам ўғил-қизларимиз, қолаверса, юртимиз келажигига тенгсиз эътибор ва ғамхўрлик мужассам.

Айтиш керакки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ таълим тизimini тубдан ислоҳ қилишга қаратилган юксак эътибор ва эъзоз самараси ўлароқ, бугунги кунда «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида муваффақият билан амалга тадбиқ этилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни халқаро жамоатчилик томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда.



Яхши биласиз, ҳаяжонли лаҳзалар, ғалаба нашидаси кейинчалик ҳам кишига завқу шавқ бағишлайди. Эришилган муваффақиятлар ёдга тушганда кўнгил ёришиб, дил яйрайди. Шу маънода пойтахтимизда юксак савияда ташкил этилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг шукуҳи ва ҳаяжонли ҳали-ҳануз қалбларимизда аксадо бериб турбди. Бу конференция таассуротлари юртимиз бўйлаб ўтказилган учра-

шулар чоғида ҳам қайта-қайта тилга олингани бежиз эмас. Қолаверса, истиқлол йилларида мамлакатимизда таълим соҳасида қўлга киритилган ютуқларни хорижлик мутахассислар ҳам юксак даражада эътироф этишмоқда. Биз юқорда номини тилга олиб ўтган халқаро конференция иштирокчиси, Лиссабон университети проректори Луиза Сердейра бу ҳақда шундай дейди:

— Очигини айтиш керак, бугунги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида қўллаб-ривожланган мамлакатларда ҳам таълимга сармоя ажратиш, уни модерниза-ция қилиш каби масала-

лар эътибордан четда қолмақда. Ана шундай мураккаб вазиятда юртингизда Президент Ислом Каримов томонидан навқирон авлоднинг таълим-тарбияси, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари учун катта ғамхўрлик кўрсатилаётгани таҳсинга сазовор. Биргина мисол: ўғил-қизларнинг замонавий ўқув даргоҳларида билим олишлари, ўзлари ёқтирган касбу корни эгаллашлари учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ йўналтирилмоқда.

Айниқса, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда «коллеж —

корхона» муносабатларини раванқ топтириш борасида олиб борилаётган ишлар эътирофга лойиқ. Пировардида ёшларнинг ижтимоий бандлиги таъминланмоқда. Ёшларнинг ўз ихтисослиги ва ҳудудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб саноят, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда иш-лашлари учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганига ҳавас қилсак, арзийди.

Ўзбекистон таълим тизimini алоҳида таҳсинга сазовор. (Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида суғурта фаолияти субъектларига яратилган кафолатлар туфайли уларнинг иқти-содийтимизни ривожлантиришдаги ўрни тобора ошиб бормоқда.

### Yangi qonun mohiyati

## Суғурта фаолияти

### бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз суғурта бозорида фаолият юритувчи субъектлар учун ҳуқуқий асослар етарли даражада шакллантирилган бўлиб, хусусан, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги ва «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғриси-

да»ги қонунлар ва бир қатор қонуности ҳужжатлари бу борада муҳим омили бўлаётди. Қайд-этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида юртимизда «Ўзбекинвест», «Кафолат», «Узагросуғурта» ва бошқа қўллаб-сўлатиш компаниялари самарали фаолият юритиб келмоқда.

Шу билан бирга суғурта бозорини мунтазам равишда ривожлантириб бориш, бу борада ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)

### Islahot va samara

## Интеллектуал мулк ҳимояси — тараққиёт мезони

Инсон яралибдики, яратиб, ижод қилиш, бунёд этишга интилади. Ана шундай савий-ҳаракатлар натижасида инсон тафаккури юксала бориб, бетакор санъат асарлари, бадиий ижод намуналари, гўзал меъморий обидалар дунё юзини кўрган. Буларни яратган иқтидор эгалари ҳурмат-эътибор топиши билан бирга тарих саҳифаларидан ҳам жой олган.

Инсоният тамаддуни тараққий этгани сари муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурияти пайдо бўла бошлади. 1886 йилда Адабий-бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси қабул қилинган ана шу эҳтиёж натижасидир. Муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси соҳасида минимал халқаро стандартларни илк бор жорий этган қадимий шартномалардан бири бўлган бу ҳужжат дунё бўйлаб тезда оммалашди. Ҳозирги кунда ушбу Конвенцияга жаҳоннинг 160 дан ортиқ давлати қўшилган.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан интеллектуал мулк ҳуқуқи масаласига ало-

ҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг 1991 йилдаёқ Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ)га аъзо бўлгани бунинг яққол исботидир.

— Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда маънавий мулк ривожини муҳофазасига эътибор тобора кучаймоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Зайнитдин Гиясов. — Ўтган даврда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза этишининг пухта ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилгани бунинг далилидир.

(Давоми иккинчи бетда)

### Mulohaza

## Ёлғон хабар бериш

### у нафақат ахлоққа зид, балки ҳуқуқий жавобгарликни ҳам келтириб чиқаради

Бу ҳаётда инсон табиатини безайдиған, унинг ҳамияна юзини ёруғ қилиб, одамлар орасида улуғлайдиган фазилатлар кўп. Шулардан бири — ростгўйликдир. Халқимиз азал-азалдан ростгўй кишиларни қадрлаб келган.

Бунинг акси бўлган ёлғончилик эса, хавфли иллат сифатида ҳаминша қораланган. Чунки ёлғончилик шундай иллатки, у одамлар ўртасидаги ўзаро ишончга путур етказиб, жамиятдаги тинчлик-осойишталикка ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунинг учун амалдаги қонунларда бу иллатга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган. Масалан, Жиноят кодексининг 237-моддасида жиноят тўғрисида била туриб, ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Ушбу кодекснинг 238-моддасида эса, суриштирув олиб бориш,

дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлғондан кўрсатма бериши ёхуд экспертнинг нотўғри хулоса бериши, шунингдек, бир тилдан иккинчи тилга атай нотўғри таржима қилиш учун ҳам жазо белгиланган.

(Давоми учинчи бетда)

Юртимизда оиланинг жамиятда тугган ўрнини юксалтириш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш борасида тизимли ислохотлар амалга ошириб келинаётди. Хусусан, оила қуриш масъулиятини ошириш, оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом фарзандни воёга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

### 2012-yil — «Mustahkam oila yili»

## Оила мустаҳкамлиги аҳиллик, тотувлик ва ўзаро ҳурматдан бунёд бўлади

Мамлакатимизда жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши бу борадаги савий-ҳаракатларимизни янги маъно-мазмун билан бойитди.

Дарҳақиқат, пойдевори мустаҳкам бино хамиша, ҳамманинг ҳавасини келтириб, кўрк тўкиб туради. Бундай қиссини оила кўргонига нисбатан ҳам ишлатиш мумкин.

Шу боисдан ҳам, адлия идоралари томони-

дан никоҳдан ўтишдан олдин ёшларнинг белгиланган тартибда тиббий кўриқдан ўтишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, никоҳ масъулияти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги тўғрисида йўл-йўриқ беришни самарали ташкил қилиш борасида амалга оширилаётган барча савий-ҳаракатлар, энг аввало, оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган.

(Давоми учинчи бетда)



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий мақсади — инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш, фуқароларни қонун устуворлигига ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборатдир. Зотан, Асосий қонушимизда ҳам фуқароларнинг Конституция ва қонуналарга риоя этишга мажбурияти белгилаб қўйилган.

## Saboq Қонун устуворлиги — барқарорлик омили

Айтиш керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176.3-моддасида тегишли лицензияга эга бўлмай туриб, автомобиль транспортида йўловчилар ташини фаолияти билан шуғулланганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу қондаларга риоя этмаган шахсларга нисбатан судлар томонидан моддий санкциялар қўлланилади.


Шу ўринда бевосита мисоллар-

га эътибор қаратадиган бўлсак, Н.Сафаров 2012 йил 11 февраль куни «Дамас» русумли автомашинасида «Нуристон-Қарши» йўналиши бўйлаб лицензиясиз, тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб юрганлиги аниқланган. Суд қарори билан ҳуқуқбузар Н.Сафаровга 629.200 сўм жарима жазоси тайинланди.

(Давоми учинчи бетда)

### Qonun ko'magi

## Шартнома: ҳуқуқ ва мажбуриятлар мутаносиблиги



Маълумки, хўжалик шартномаси тарафлардан бири шартлашган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса, товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишувдир. Қонунийликда шартнома тузишнинг эркинлиги, тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, шартнома интизомига риоя этиш ҳамда тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги принципларига амал қилиниши зарурлиги белгилаб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Islahot va samara

Интеллектуал мулк ҳимояси — тараққиёт мезони

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2005 йил 19 апрелдан эътиборан Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси қоидалари амал қилаётгани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Маълумки, Берн конвенцияси фан, адабиёт ва санъат асарларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган асосий халқаро шартномалардан биридир. Конвенцияда муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган объектлар, асарлар белгиланган.

Ўтган даврда мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида кўйган дадил оқимлари, шунингдек, Берн конвенциясига қўшилиш учун муайян тайёргарлик кўриш ҳамда ушайб Конвенцияга қўшилганимиздан сўнг унинг қоидаларини амалда тўла таъбиқ қилиш билан боғлиқ долзарб масалалар миллий қонунчиликка муайян ўзгаришлар киритишни тақозо этди. Шу муносабат билан юртимизда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрири ишлаб чиқилди ва 2006 йил 20 июлда қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 майда «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган мамлакатимизда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ишончли муҳофаза қилишнинг халқаро андозаларга мос янги тизими яратилишида муҳим асос бўлди.

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизда Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилган интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида янги давлат сиёсати юритилишига замин яратди.

Ҳозирги кунда агентлик ихтиролар, фойдали моделлар, санъат намуналари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини экспертизадан ўтказиш ҳамда уларни давлат рўйхатида олиш борасида муайян ишларни амал-

га ошироқда. Айни пайтда фан, адабиёт, санъат асарлари ва уларнинг муаллифлари, турдош ҳуқуқларнинг субъект ва объектлари рўйхатини ишлаб чиқиш бўйича агентликда ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилмоқда.

Мамлакатимизда Берн конвенцияси нормаларига амал қилиш, муаллифлар ва турдош ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги қонун талаблари бузилиши ҳолатларига қарши курашиш борасида агентлик Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти билан самарали ҳамкорлини йўлга қўйган. Мазкур ташкилотлар вакиллари томонидан ўтган йили бозорлар ва савдо шохобчаларида ўтказилган рейд ва текширишлар давомида 137 миңдан ортиқ дисклар қўлга олинган. Интеллектуал мулк агентлигига экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган дискларнинг аксарияти контрафакт маҳсулотлар эканлиги аниқланди. Тўплаган ҳужжатлар судга тақдим этилди ва улар суд қарорларига мувофиқ тегишли тартибда йўқ қилинди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу йўналишда солиқ идоралари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда 500 га яқин назорат тадбирлари ўтказган. Натижада 329,5 миллион сўмлик аудио-видео маҳсулотлар ва лазерли дисклар далилий ашё сифатида олиб қўйилган. Айни пайтда ушбу маҳсулотларни экспертизадан ўтказиш, лицензиясизларига нисбатан тегишли чоралар кўриш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда интеллектуал мулкни ривожлантириш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш орқали халқимиз маънавий, моддий манфаати муҳофазаси тобора мустаҳкамланмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундай юксак эътироф яна бир бор Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз тараққиёт йўлини аниқ ва тўғри белгилаб олганини кўрсатади. Бу йўл — демократик ҳуқуқий давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар йўлидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажиги ҳам, эртанги қуни-миз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, унинг-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб-вога етишига боғлиқдир.

Узоқни кўзлаб айтилган бу сўзлар истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини ёрқин ифодалайди. Жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал салоҳият, замонавий билимларга эга, мустақил фикрлайдиган, келажакка ишонч билан қарайдиган баркамол авлоднинг тарбиялаш ҳақида гамхўрлик қилиш ушбу сиёсатнинг устувор йўналишидир.

Халқимиз қадим-қадимдан болам деб, фарзандим келажаким деб ашайдиган халқ. Президентимиз таъкидлаганидек, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусияти-миздир. Бу сўзларда ҳар икки авлодга — ҳам ёши улуглар, ҳам ёшларга бирдек қақирик, масъулият мўжасам. Шу билан бирга, аждод ва авлод ўртасидаги ворисийлик, оталар бошлаган эзгу ишлар давомийлиги учун фарзандлар масъулиятини, наслинг соғ-омонлигини таъминлаш борасидаги аниқ вазифалар бор бу давлат замирида.

Бугунги замонавий, барча зарур

Etirof

Юртимиз истиқболли эгалари илму маърифатли, юксак салоҳиятли ва касб-хунарли ёшлардир

жиҳозлар билан таъминланган мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрларида тажрибали муаллимлар қўлида таълим-тарбия олаётган фарзандларимизнинг билими, дунёқарши, эстетик диди ва ахлоқи кўплай хорижий давлатлардаги таниқли педагогларнинг ҳақли эътирофига сазовор бўлмоқда. Бухоролик ўқувчиларнинг Жаҳон математика олимпиадасида мунтазам равишда голиблар сафидан жой олиб келаётгани ёш авлод томирида буюк боболаримиз Ал-Хоразмий, Беруний ва бошқаларнинг қонлари жўш ураётганидан далолатдир.

Холбуки, шўро даврида мактаб битирувчиларининг санокчилигига олий ўқув юрларида кириб, мутахассис бўлиб етишарди. Қолган юз минглаб касбу хунардан бебахра, ҳаётга тайёр бўлмаган ўсмирлар тақдир измига ташлаб қўйилган эди. Инсоннинг энг гўзал даври бўлмиш ўспиринлик даври колхоз, совхоз деб аталган умумий, ҳуқуқсиз ҳўжаликларда чопиқ қилиш, гўза чилиш каби мажбурий меҳнатда ўтарди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим тизими тубдан ислох қилинди. Мактаблардаги ўқиш муддати тўққиз йил этиб белгиланиб, барча битирувчилар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олинадиган бўлди. Академик лицей ва касб-хунар коллежларини тугатган ўқувчилар ўзларидаги чуқурлаштирилган билим билан кейинчалик олий ўқув юрларида ўқишни давом эттириши, қолган ёшлар эса, касб-хунар коллежиде ўзлаштирган



хунари бўйича турли корхоналарга малакали мутахассис сифатида ишга жойлашиши мумкин.

Шу ўринда, саксонинчи йилларда ўзим ўқиган мактабни кўз олдимга келтирарканман, бугун юртимизнинг турли бурчларига қад ростлаган, замонавий касбларнинг деярли барчасини ўргатишга ихтисослаштирилган коллежларда уч йил давомида ўқиб-ўрганиб, ўз ишининг устаси бўлиб етишмаслик — шу неъматлар қадрига етмасликдир, деб ўйлайман. Яъни вақтини беҳуда ўтказмаган, мураббийлар ва касб усталари берган билимни пухта ўзлаштиришни ўз олдида энг муҳим мақсад қилиб қўйган ва мана шу йўлда астойдил ҳаракат нафақат ўзининг, балки оиласининг ҳам тўкин дастурхонини таъминлашга қодир қўли гул инсон бўлиб етишиши аниқ. Зеро, юртимиздаги ҳар қайси соҳада амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган пировард мақсад ҳам инсон ҳаётини янада фаровонлаштиришдан иборатдир.

Мамлакатимиз ҳудудларида ўтказилган кўклам мушоиралари, Қорақалпоғистону Наманган, Қашқадарь ва Сирдарёда ўтказилган учрашувларда ана шу ислохотлар самарасини янада ёрқинроқ ҳис этдик. Чунончи, Косонсий педагогика коллежиде бўлиб ўтган наврўзлди байрам учрашувида коллеж директори Абдуманноп Сатторов Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» деган даъватларини алоҳи-

да таъкидлаб: — Ёшларни ўз фарзандим деб бағрига босиб ардоқлаган, шундай тўқис шароитлар яратиб берган Юр-тубоимиз бор экан, ўғил-қизларимиз, шак-шубҳасиз, бахтиёрдир, — деди гурур билан. — Чунки улар билим олишлари учун мана шундай илм қошоналари, кучли бўлишлари учун замонавий спорт мажмуалари, доно бўлишлари учун ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар, хуллас, толиби илм орзу қилиши мумкин бўлган барча имконият эшикларини кенг очилган.

Учрашувдан кейин ҳам таълим-тарбияга оид сўхбатлар давом этди.

— Конференциямиз зўр бўлди-да! — деди Абдуманноп ака гурур билан. — Ён-атрофимиздаги давлатлар хали кадрлар масаласини ўйлаб ҳам кўрмаган бир пайтда юртимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг йўлга қўйилгани, таълимга оид давлат дастурларининг босқичма-босқич бажарилаётгани, умуман, маърифат-парвар сиёсатнинг ютуқларини бошқарлар ҳам кўриб қўйсин-да.

Дарҳақиқат, Президентимиз асос солган маърифий ислохотлар билан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Бугун ён-атрофга назар ташлаган одам бундай ижобий ўзгаришларни барча соҳаларда кузатиши мумкин. Зотан, эртанги мўл ҳосил ўмидида деҳқон-фермерларнинг ғайрати, бунёдкор халқимизнинг азму шижоати тараққиётимизнинг пойдеворини янада мустаҳкамлаётгани кувонардидир.

Иқболжон МИРЗААЛИЕВ, Олий Махлис Сенати аъзоси


Qilmish-qidirmish

Ҳалоллик — юксак фазилат ўзганинг ҳақидан кўркмаслик эса бошни ҳам қилади

Инсон ҳаётидаги муваффақиятлар замини, аввало, ҳалол меҳнатдир. Бунга аниқлаб этган киши бирор-бир касбининг бошини тутиб, меҳнати билан ўзига, қолаверса, ўзгаларга нафи тегади.

Таъкидлаш керакки, давлатимиз томонидан фермерларга яратиб берилаётган имтиёз, кафолат ҳамда ҳуқуқлар уларнинг эркин фаолият кўрсатиши ва жадал ривожланишининг асосий омил бўлмоқда. Соҳа вакиллари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган қонунчилик асослари тобора мустаҳкамланаётгани, давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорларнинг қабул қилингани фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

Буларга жавобан фақат ҳалол меҳнат қилиб, элу юртга нафи тегаётганлар билан бирга ўз шахсий манфаатини кўзловчилар ҳам йўқ эмас. Масалан, С.Абдурахимов (исм-фамилиялар шартли) «Абдурахмон-Сирожидин» фермер хўжалигини ташкил қилиб, пахта ва бугдой етиштириш билан шуғулланиб келган. Аввалига у ўзига ажратилган ердан унумли фойдаланди ва шартнома шартларини бажариб, ишонч қозонди. Фермер хўжалиги раҳбари 2011 йил «Андижон» 1-сонли пахтани қайта ишлаш акциядорлик жамияти билан шартнома тузиб, 113,7 тонна пахта хомашёни етказиб беришга келишди.



Аммо бу гал нафс қутқуси уни йўлдан урди. У шартномага асосан 41,6 гектар ерга чигит ва 24,4 гектар ерга галла экиши лозим эди. Лекин у ўз манфаатини кўзлаб, ернинг 8,7 гектарига ноқонуний равишда шолӣ экади. Устига-устак, Андижон тумани статистика бошқармасига топширган ҳисоботида сохта маълумотлар киритиб, ҳужжатларда қайд этилган 66,0 гектар ерга галла ва пахта экилган, деб кўрсатади.

Натижада С.Абдурахимов етказиб берилиши лозим бўлган 113,7 тонна пахта ўрнига 87,6 тонна пахта топширади ва бу қилмиши туфайли 26,1 тонна, яъни 16.443.000 сўмлик хомашёни кам топшириб давлат ва жамият манфаатларига зарар етказди.

2011 йил Молия вазирлигининг Андижон вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармаси ва Пахтабод тумани солиқ инспекциясининг «Андижон» 1-сонли пахтани қайта ишлаш акциядорлик жамиятида ўтказган текшируви натижа-

сида фермер хўжалиги раҳбарининг қилмиши фош бўлди. Жиноят ишлари бўйича Андижон тумани суди С.Абдурахимовнинг жиноий иштини атрофлича ўрганиб чиқиб, унга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳалолликни умр мезони билган, ўзганин ҳақиқа хейнат қилмайдиган, виждонли, софдил кишилар элқур ўртасида обрў-эътибор қозонади, меҳнатдан роҳат топади. Аксинча, нопоклик йўлини тутганлар ҳаловат билмайди, қилмиши фош этилишидан мудом чўчиб яшайди. Шундай экан, қонунни бузиб, ноқонуний даромад топишга ҳаракат қилгандан қура, яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Орзинурод ШУКУРОВ, жиноят ишлари бўйича Андижон тумани судининг раиси

Qonun ko'magi

Шартнома: ҳуқуқ ва мажбуриятлар мутаносиблиги

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шартнома интизомига риоя қилиш, айниқса, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг бу борадаги масъулиятини янада ошириш юзасидан адлия идоралари зарур чора-тадбирларни амалга ошириш билан бирга шартномалар тузиш ва бажаришда хўжалик юритувчи субъектларнинг қонунчиликка риоя қилиши юзасидан мониторинг ҳам олиб борилмоқда.

Бундан ташқари адлия идоралари томонидан фермер хўжалиқлари фаолиятини тартибга солиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича са-

марали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Масалан, адлия идоралари томонидан 2011 йилда «Ўзком-внэргоназорат» агентлиги, «Ўзда-внэргоназорат» инспекцияси, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» акциядорлик корхоналаридан электр энергияси, газ, иссиқ ва совуқ сув ҳамда бошқа коммунал хизматлар бўйича истеъмолчилар билан хизмат кўрсатувчилар ўртасида амалиётда фойдаланилаётган шартномаларнинг намунавий нусхалари олинди, шартномаларнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилди.

Урганиш жараёнида электр энергияси таъминоти юзаси-

дан истеъмолчилар билан тузилган шартномаларда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда ва шартномаларни расмийлаштиришда бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, Хоразм вилояти Янгиариқ тумани электр тармоқлари корхонаси фаолияти ўрганилганда, корхона билан «Олмасар Фойиб ўғли Илҳом» фермер хўжалиги ўртасида электр энергияси таъминоти бўйича тузилган шартномада электр энергияси қувватининг нархи, электр энергияси таъминотининг йиллик минимал ҳажми, шартнома умумий баҳосининг неча фоизи олдиндан тўлани-

ши белгиланмаган. Шунингдек, «Бухороэнергосервис» ОАЖда иссиқлик энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар ўрганилганда таъминотчи билан ҳисмоний шахслар ўртасида тузилган шартномаларда «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га тўлов мuddати кечиктирилган ҳар бир кун учун умумий сумманинг 0,1 фоизи миқдориде пеня тўлаши белгиланган бўлса-да, «Таъминотчи»га шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолатлар бўйича мулкий жавобгарлик белгиланмаган.

Бундан ташқари «Тошишсқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Олмазор тумани бошқармаси 8-сонли иссиқлик тарқатиш бўлими билан фуқаро Х.Маҳкамов ўртасида иссиқлик манбаи етказиб бериш юзасидан тузилган шартномада мулкий жавобгарлик бир томонлама, яъни жарима тўлаш мажбурияти фақатгина «Истеъмолчи»га нисбатан белгиланган бўлиб, «Хизмат кўрсатувчи»нинг мулкий жавобгарлиги кўрсатилмаган.

Адлия идоралари томони-

дан аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома, огоҳнома ва кўрсатмалар киритиш йўли билан 388 та таъсир чоралари кўрилди. Натижада электр энергияси таъминоти соҳаси бўйича 6 582 та, табиий газ етказиб бериш бўйича 4 324 та, иссиқлик манбаи таъминоти бўйича 1 493 та, совуқ сув таъминоти соҳаси бўйича 846 та шартномадаги хато ва камчиликлар бартараф этилди. Пировардида электр энергияси таъминоти соҳаси бўйича 168 нафар, табиий газ етказиб бериш соҳаси бўйича 115 нафар, иссиқлик манбаи таъминоти бўйича 8 нафар, совуқ сув таъминоти бўйича 25 нафар масъул шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Хулоса қилиб айтганда, шартномавий интизомни яхшилашга қаратилган бу каби чора-тадбирлар келгусида фермер хўжалиқларининг иқтисодий аҳолини янада яхшилаш, уларга кенг имконият яратиб беришга хизмат қилади.

Озодбек БЕКМУРОДОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Jinoyatga jazo nuqarrar

Сохта ваъда

ноябрда қабул қилинган «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарор ҳам ушбу жиноятга қарши самарали кураш олиб боришда муҳим асос бўлаётди.

Ҳаётда бировларнинг меҳнатидан, эркинлиги ва ҳуқуқларидан виждонсизларча фойдаланишдан ор қилмайдиган, фақатгина ўзининг чиркин манфаатини кўзлайдиган кимсалар ҳам йўқ эмас. БМТ халқаро жиноятларнинг олдини олиш Маркази экспертларининг фикрича, одам савдосидан

тушган даромаднинг шахон миқдосидаги айланмаси ҳозирги кунда 12 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Ушбу жиноятнинг хавфли томонларидан яна бири шундаки, одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий уюшмалар ўз олдида алдаш йўли билан ёлланган, кейинчалик сотиб юборилган ва сотиб олинган инсонларни шахвоний хизматлар кўрсатишда, оғир ишлаб чиқаришларда, қишлоқ хўжалигида бепул ишлатишни мақсад қилиб қўяди.

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бинобарин, «суғурта бозорини янада ривожлантириш мақсадида 2012 йилнинг 23 — 24 март кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг 8-ялпи мажлисида маъқулланган «**Суғурта фаолияти тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги қонун муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «**2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида**»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Янги қонуннинг қабул қилиниши натижасида амалдаги «**Суғурта фаолияти тўғрисида**»ги қонунга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Биринчидан, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари, яъни суғурталовчи, суғурта ҳамда қайта суғурта брокерлари, суғурта агенти, аджастер, актуар ташкилот, суғурта сюрвейери ва ассистанс каби суғурта фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси янада кенгайтирилиши белгиланди. Унга қўра, суғурта ҳамда қайта суғурта брокерларига қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига қўра, тақдим этиши; фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва (ёки) жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақда махсус ваколатли давлат органи ва суғурталовчиларни хабардор қилиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини

юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиш каби мажбуриятлар юклатилди.

Шунингдек, суғурта бозорининг яна бир профессионал иштирокчиси — аджастернинг ҳуқуқлари доираси кенгайтирилиб, бундан буён аджастер суғурта ҳодисаси рўй беришининг са-

номланган эди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаштириш, хусусан, «актуарий» ва «актуар ташкилот» тушунчаларини бир-биридан фарқлаш, қолаверса, «**Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида**»ги низомда қўлланилган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, 9<sup>а</sup>-модданинг

нинг ваколат доирасига кирмаслигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида «**Суғурта фаолияти тўғрисида**»ги қонуннинг 27-моддаси иккинчи қисми «**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл суғурта ташкилотлари томонидан суғурта амалга оширилишига йўл қўйилмайди**», деган тахрирда баён этилди.

Шунингдек, «**Суғурта фаолияти тўғрисида**»ги қонуннинг 3, 9<sup>а</sup>, 10, 13, 22, 24, 25 ва 26-моддаларига ҳам суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишда махсус ваколатли давлат органининг ваколат доирасини, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиши, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг фирма номига қўйиладиган талабларни, суғурталовчилар тўлов қобилиятининг кафолатларини, монополистик фаолиятга йўл қўйилмаслигини янада кенгроқ таъминлаштиришга ҳимоят қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу янги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатлар, жумладан, суғурта ҳамда суғурта фаолиятини, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишда махсус ваколатли давлат органининг ваколат доирасини, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиши, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг фирма номига қўйиладиган талабларни, суғурталовчилар тўлов қобилиятининг кафолатларини, монополистик фаолиятга йўл қўйилмаслигини янада кенгроқ таъминлаштиришга ҳимоят қилади.

**Зафар РЎЗИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Амалдаги  
қонун ҳужжатлари мониторинги  
институтининг илмий ходими

*Yangi qonun mohiyati*

# Суғурта фаолияти

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

бабларини, суғурта товони (суғурта пули) миқдорини белгилаш учун зарур бўлган ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Кези келганда шунинг таъкидлаш жоизки, бунга қадар аджастер фақатгина фаолияти суғурта объектларига дахлдор бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларидан юридик аҳамиятга молик зарур маълумотларни белгиланган тартибда олиш ҳуқуқига эга эди.

Иккинчидан, «**Суғурта фаолияти тўғрисида**»ги қонуннинг 9<sup>а</sup> ва 9<sup>б</sup>-моддаларига ҳам тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Маълумки, янги қонун қабул қилингунга қадар «**Суғурта фаолияти тўғрисида**»ги қонуннинг 9<sup>а</sup>-моддаси «Актуарий» деб

номи «Актуар ташкилот ва актуарий» тарзда баён этилди.

Учинчидан, махсус ваколатли давлат органи функцияларининг, жумладан, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини назорат қилиш функциясининг бажарилишини таъминлаш мақсадида «**Суғурта фаолияти тўғрисида**»ги қонуннинг 11-моддаси «**Қайта суғурта брокерлари, аджастерлар, актуар ташкилотлар, суғурта сюрвейерлари, ассистанслар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир ҳафталик муддатда бу ҳақда махсус ваколатли давлат органини ёзма равишда хабардор қилади**» мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилди.

Тўртинчидан, чет эл суғурта ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш махсус ваколатли давлат орга-

никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, оталикни белгилаш, фарзандликка олиш каби ижтимоий ҳодисаларнинг ФХДЭ идораларида қайд этилиши фақат манфаатдор шахс учун эмас, балки унинг оила аъзолари учун ҳам аҳамиятлидир. Қонунга биноан, фуқаролик ҳолати далолатномалари инсоннинг шахси ва унинг ҳаёти билан боғлиқ бўлганлиги сабабли,

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бунда, албатта, оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича турмуш кураётган ёшларнинг билим ва тушунчаларини бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ташкил этилаётган давра суҳбатлари, семинарларда мутахассислар ёрдамида оила қуришнинг маънавий-ахлоқий,

никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, оталикни белгилаш, фарзандликка олиш каби ижтимоий ҳодисаларнинг ФХДЭ идораларида қайд этилиши фақат манфаатдор шахс учун эмас, балки унинг оила аъзолари учун ҳам аҳамиятлидир. Қонунга биноан, фуқаролик ҳолати далолатномалари инсоннинг шахси ва унинг ҳаёти билан боғлиқ бўлганлиги сабабли,

*2012-yil — «Mustahkam oila yili»*

## Оила мустаҳкамлиги аҳиллик, тотувлик ва ўзаро ҳурматдан бунёд бўлади

ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари, қириндош-уруғчилик асосида оила қуришнинг зарарли оқибатлари, бундай хатоларнинг аччиқ мевалари кўз ўнгимизда намойён бўлаётганлиги мисоллар ёрдамида тушунтириб берилмоқда.

Маълумки, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда, оналик ва болаликни ҳамда оилаларнинг мустаҳкамлигини ҳимоя қилишда ФХДЭ идоралари бевосита иштирок этади. Зотан, фуқаролик ҳолати далолатномалари тўлиқ ва ўз вақтида қайд этилиши ижтимоий муносабатларда, жамиятимиз ривожланишида ўзига хос аҳамиятга эга.

сир сақлиниши лозим. Нурота тумани ФХДЭ бўлимида ҳам белгиланган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этилган ҳолда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол фарзандлар камолга етувчи мустаҳкам оиланинг вужудга келиши миллат тақдирига дахлдор масала. Шу боис бунинг моҳиятини чуқур ҳис этган ҳолда амалга оширилаётган хайрли ишлар самарадорлигини янада оширишга ҳисса қўшиш ҳар биримизга улкан масъулият юклайди.


**Зебинисо МИРЗАЕВА,**  
Нурота тумани  
ФХДЭ бўлими мудириси



**Шерзод МАМИРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Навоий шаҳар  
судининг судьяси  
**Абдуҳамид  
ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
«Куч — адолатда» муҳбири

*Muloqot*

## Ёлғон хабар бериш у нафақат ахлоққа зид, балки ҳуқуқий жавобгарликни ҳам келтириб чиқаради



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Умуман айтганда, ҳаётда бундай қилмишга қўл урган кимса ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Бунинг қўйидаги воқеа мисолида ҳам кўриш мумкин.

Навоий шаҳрида яшовчи Н. Алимова, Р.Мақсадова ва Б.Шодиев (исм-фамилиялар шартли) Ш.Набиевага пулларини АКШ долларига айирбошлаш учун берилган. Бирок орадан бир неча ой ўтса-да, улар берган пулларини қайтариб олишолмайдилар. Шундан сўнг улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишади ва Ш.Набиевнинг устидан суриштирув ва тергов ишлари олиб борилди.

Ш.Набиевага оид жиноят иши судда кўриляётганда, у амнистия ақтига асосан жавобгарликдан озод этилади. Н. Алимова, Р.Мақсадова ва Б.Шодиевнинг етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича фуқаролик тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Шу боис улар етказилган зарарни ундириб бериши сўраб фуқаролик судига мурожаат қилишади.

Улар ана шундай қонуний йўл билан зарар ўрнини қоплашганда, яъни ёлғон ишлатиш орқали иш битиришни

ўйлашмаганда ҳаммаси адолатли яқун топарди. Аммо Н.Алимова, Т.Мақсадова ва Б.Шодиев нотўғри йўлни танлайдилар. Аниқроқ айтганда, улар ўз қўлларини билан тилхат ёзиб, унинг пастки қисмига Ш.Набиевнинг исми-шарифи ва имзосини компьютер ускунаси ёрдамида жойлаштиришади. Шунингдек, бошқа фуқароларни ҳам алдаб, гувоҳ сифатида имзо қўйдиришади. Шундан сўнг улар Навоий шаҳар ички ишлар бўлимига жамоавий ариза билан мурожаат қилиб, айбловнинг сулвий далилларини вужудга келтирган ҳолда, гараз-гўйлик ниятида, фирибгарлик жинойти тўғрисида ёлғон хабар беришади.

Табиийки, фуқароларнинг ҳар бир мурожаати ўз вақтида, қонун доирасида кўриб чиқилган. Афсуски, суриштирув мобайнида Н.Алимова, Т.Мақсадова, Б.Шодиевнинг фирибгарлик жинойти тўғрисида ёлғон хабар ва ёлғон гувоҳлик беришгани ошқор бўлиб қолди. Шу боис ҳам Жиноят кодексининг 237-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари, 238-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланган Н.Алимова, Т.Мақсадова ва Б.Шодиев устидан олиб борилган тергов

ҳаракатлари яқунлиниб, жиноят иши судга ўтказилди.

Айтиш керакки, ушбу жиноят иши судда ҳар томонлама, мазмунан кўриб чиқилди. Суд судланувчиларга ҳар бир модда бўйича алоҳида жарима жазоси тайинлаб, Жиноят кодексининг 59-моддаси талабига қўра, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жарима жазоси тайинлаш тўғрисида ҳукм чиқарди. Яъни Н.Алимова энг кам ойлик иш ҳақининг олтимиш баравари, Р.Мақсадова ва Б.Шодиев эса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик беш баравари миқдорда жарима жазосига тортилди.

Халқимиз «Эгри йўл бошни эгади», деб бежиз айтмаган. Бу гал ҳам шундай бўлди. Шу ўринда ёлғон хабар бериш ижтимоий хавфли жиноят эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Чунки ёлғон хабардан тергов ва суд идоралари чалғийди. Ёлғон хабарни ўрганишга қимматли вақт, маблағ сарф бўлади. Ёлғон гувоҳлик эса, содир бўлган жиноий ҳаракатларнинг аниқланишига тўсқин бўлибгина қолмай, балки одил судловни таъминлашда ҳам қийинчиликлар туғдиради.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, ростгўйлик инсоннинг энг гўзал фазилати. Уни қундалик одат санаган одам ҳеч қачон панд емайди. Ҳар бир кун тинч ва осуда ўтади. Аслини олганда, бундан ортқ неъмат йўқ.

## ортидаги тузоқ

Нафс йўриғига кириб, бировларнинг ҳаётини ўйинчоқ деб биладиган одам савдоси жиноятчилари домига турли-туман асосиз ваъдаларга, ҳаёлий гап-сўзларга ишонганча, ўзи учун мулкоти нотаниш бўлган манзилларга йўл оладиган жабрланувчилар тушиб қолмоқда.

Масалан, яқинда жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани судида фирибгарлик ва одам савдоси жиноятини содир этган Б. Мўминов ва Ш. Тешабоевга тегишли жиноят иши кўриб чиқилди.

Аниқланишича, улар хизмат вазибаларидан фойдаланган ҳолда одамларнинг ишончини суиистеъмол қилган. Яъни Сирдарё туманидаги «Мурувват уйи»да сантехник вазибасида ишлаб юрган Баҳоидир Мўминов шу муассасанинг қоровули Шерзод Тешабоев билан ўзаро тил бириктирган ҳолда тарбияланувчилар — 3.Исмоилова ҳамда У.Қосимоваларни: «Агар истасаларинг, Тошкентга, уларнингга олиб бориб қўямиз» дея алдаб, уларни қочиб кетишга кўндиришади. Бун-

гача қизларга совға қилинган телевизор, DVD, мусиқа эшитиш мосламаси ва қўл телефони кабилар жиноятчилар томонидан биттама-битта мурувват уйи ҳудудидан олиб кетилади ва арзон нархларда сотиб юборилади.

Хуллас, келишилган кунчи қизлар тонг сахар соат 5 да жиноятчилар томонидан «Мурувват уйи»дан алдаб олиб чиқилади. Бироқ улар Тошкентга — яқинлари олдига эмас, айланма йўллар орқали қўшни республикага йўтказилиб, жиний гуруҳнинг яна бир аъзосига топширилади. Айнан шу ерда ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари томонидан мазкур жиноят фош этилди.

Қилмиш-қидирмиш, деб бежиз айтишмаган. Одамфурушлик билан бойлик орттирмақчи бўлган Б.Мўминов

ҳамда Ш.Тешабоев жавобгарликка тортилиб, айбларига яраша жазо олишди.

Кези келганда шунинг таъкидлаш жоизки, одам савдоси жиноятига қарши самарали курашиш учун маъсул идоралар изчил ҳамкорликни йўлга қўймоғи лозим. Айни пайтда бу борада фуқаролар ҳам фаоллик кўрсатишлари даркор. Чунки сохта ваъдаларга «чув» тушиб, ўзга юртларда сарсон бўлаётган кишиларнинг қисмати барчамизга сабоқдир. Шундай экан, одам савдосидек машъум жиноятга буткул барҳам бериш сизиз бизнинг ҳушёрлигимиз ва огохлигимизга ҳам боғлиқ.

**Марат АБДУЖАББОРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Сирдарё вилояти судининг раиси

*Sabot*

## Қонун устуворлиги — барқарорлик

### ОМИЛИ


**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Шунингдек, 2012 йил 28 январь кун «Нексия» русумли автомашинасида «Қарши-Нишон» йўналиши бўйлаб лицензиясиз, тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб аҳолига пуллик хизмат кўрсатаётган М.Эшнаев ҳам маъмурий жавобгарликка тортилди ва унга суд қарори билан 943.800 сўм жарима жазоси тайинланди.

Айтиш керакки, аҳолига хизмат кўрсатиш, жумладан, йўловчиларни ташиш фаолияти кишидан катта масъулият ва маънавий жавобгарликка тортилди ва унга суд қарори билан 943.800 сўм жарима жазоси тайинланди.

Айтиш керакки, аҳолига хизмат кўрсатиш, жумладан, йўловчиларни ташиш фаолияти кишидан катта масъулият ва маънавий жавобгарликка тортилди ва унга суд қарори билан 943.800 сўм жарима жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида шунинг таъкидлаш керакки, қонунни писанд қилмаган эмас, аксинча, ўрнатилган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этган киши ютади. Зотан, қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлайди.



тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан аҳолига пуллик хизмат кўрсатаётгани аниқланди ва суд томонидан унга 1.258.400 сўм жарима жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида шунинг таъкидлаш керакки, қонунни писанд қилмаган эмас, аксинча, ўрнатилган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этган киши ютади. Зотан, қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлайди.

**Жасур НОРҚОБИЛОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Нишон тумани  
судининг раиси

*Muloqot*

## Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, меҳнат доир қандай қарорлар дарҳол ижро этилиши қонунда белгиланган?

**М.ШОКИРОВ,**  
Чиноз тумани

— Меҳнат кодексининг 273-моддасида меҳнат доир айрим ишлар бўйича қарорларни дарҳол ижро этиш тартиби ҳақида сўз юритилган. Ушбу моддага мувофиқ, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинганда уни ишга тиклаш, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари тарифини ўзгартириш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори ёки гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишга тиклаш ҳақида меҳнат низоларини кўрувчи орган чиқарган қарор дарҳол ижро этилиши лозим. Иш беворчи томонидан бундай қарорнинг ижроси кечиктирилган тақдирда, қарорни қабул қилган меҳнат низоларини кўрувчи орган ижро кечиктирилган вақт учун ходимга ўртача иш ҳақи тўлаш ёки иш ҳақидаги фарқни тўлиқ миқдорда тўлаш ҳақида ажрим ёки қарор чиқаради. Агар гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходим меҳнат низолари комиссияси томонидан берилган гувоҳнома асосида комиссия қарорини мажбурий равишда ижро эттиришни сўраб судга мурожаат қилган бўлса, суд меҳнат низолари комиссияси қарорининг ижроси кечиктирилганлиги туфайли юзага келган мажбурий проғул вақти учун ходимга иш ҳақи тўлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

*Gijohvandlik — asr vabosi*

## «Сирли ҳалқа»

ёхуд  
оғуфурушларнинг  
кирдикорлари хусусида

Маълумки, сўнги йилларда гиёҳвандлик иллати жаҳон жамоатчилигини қаттиқ ташвишга солаётган глобал муаммолардан биридир. Чунки у инсон саломатлигига путур етказибгина қолмай, унинг моддий ва маънавий жиҳатдан таназзулга юз туттиши ҳам сабаб бўлади.

Шу боис ҳам гиёҳвандликнинг олддини олиш ва унга қарши курашиш долзарб аҳамиятга молик.

Мамлакатимизда бу иллатга қарши курашишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, Жиноят кодексига гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш оғир ва ўта оғир жиноятлар туркумига кириб, уларни содир этганлик учун жиний жавобгарлик назарда

тутилган. Яна эътиборли жиҳати шундаки, бу турдаги жиноятларни содир этган, гиёҳвандликка муккасидан кетган кимсаларга нисбатан судлар томонидан мажбурий тартибда гиёҳвандликка қарши даволаш чоралари ҳам қўлланилади.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

Hikmat

DOHOLAR  
D'VIDIAPKI

Машаққатсиз келган роҳат тузсиз ошга ўхшайди.

Беминнат қилинган эзгулик энг мақбул ва гўзал эзгуликдур.

Фазилат бизларни соадатга етказувчи бирган-бир воситадур.

Бизнинг билимимиз сезгилар бўлайти.

Қаҳр-назабини етган киши келгуси истироҳатини таъмин этади.

Инсон қўлга киритган ўлжалардан энг хайрлиси самимий дўстликдур.

Одамнинг энг ширин, лаззатли ва ҳалолати ўз меҳнати, қўл кучи билан топган ризқидур.

Ҳақиқатга, яхшиликка ва гўзаликка муҳаббат ижтимоий вазирамиздур.

Munavvar lahzalar


Амир Темури хонадонини

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Сохибқирон турмушда, ҳаётда, ҳамма нарсада бағоят меъёрни билган, инсоф соҳиб бўлган мўътабар бир зот эди. «Сохибқирон ўз вақтини машаққат билан ўтказишга қизғон эди», — деб ёзади тарихчи Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарини. Шарафиддин Али Яздий ҳам бунини тасдиқлайди.

Шоҳруҳ Мирзо замонида тузилган насабномага кўра, Амир Темурининг умумий кўрган фарзандлари ўн етти нафар бўлиб, шундан саккиз нафари ўғил, тўққиз нафари қиз эди. Бу ҳақда «Муизз ал-ансоб» китобида батафсил маълумотлар келтирилган. Шунга кўра, етти қиз, тўртта ўғил, айримлари чақалоқлигида, баъзилари беш ёшда (масалан, Жаҳоншоҳ), ўзгалари етти ёшда (масалан, Иброҳим) оламдан ўтган. Фарзандлар ичида соғ-саломат ўсиб-зоғирлашганлари олти нафар эди: тўрт ўғил, икки қиз.

Ўғиллар — Жаҳонгир Мирзо (ониси — Турмиш оқа деган шаръи мутахассис йўсини билан уйлانган аёл), Умаршайх Мирзо (ониси — канизак Тўлин оқа), «Муизз ал-ансоб»да Туман хотун, дейилади, бу балки «Тўлин» нинг бошчақа ўқилишидан келиб чиққан бўлса керак, Мироншоҳ Мирзо (ониси — канизак Менгли бика. «Муизз ал-ансоб»да «Манглай-Бик-хотун Жаниқурбоний», америкалик тадқиқотчи олим Жон Вудсон «Темурийлар сулоласи» китобида эса, «Минглижа-хотун бинт Хайит Жаниқурбоний» деб келтирилади. Шоҳруҳ Мирзо (ониси — канизак Тағой



Туркон оқа)лардир. «Муизз ал-ансоб»да Шоҳруҳ Мирзонинг онаси — Дилшод оқа деб ёзилган, бизнингча, бу ҳам хато бўлиши мумкин. Сохибқироннинг катта ўғли Жаҳонгир Мирзо «Муизз ал-ансоб»да у биринчи ўғил сифатида таърифланади. Унинг онаси Турмиш оқа, яъни Амир Темурининг асл сафдошларидан бири Амир Жону барлоннинг қизи эканини аввалги суҳбатларда айтиб ўтгандик. Гарчи Умаршайх Мирзо ҳам 1356 йилда туғилган эса-да, уни китобларда иккинчи ўғил, деб айтади.

Жаҳонгир Мирзо энаси Тегина Хотун кўлида ўсиб-ўлаётган, унинг эртақларини тинглаб, довурак, кўркмас йиғит бўлиб воёга етди. Унга атка (оталиқ қилувчи) белгиланган. Одатда, аткалик тажрибали, оқ-қорани таниган, дунёнинг паст-баландлигини кўрган, кўп тажрибага эга жанговар кишилар танланарди. Амризодаларга устозлик қилиш, ахлоқ-одобдан таълим бериш, яхши билан ёмонни фарқлаш, катталарга ҳурмат кўрсатиш, муома-

ла маданиятдан сабоқ бериш, айни пайтда соғлом ўсиши ҳақида қайғуриш, қиличбозлик, найза тутиш, югуриш, сакраш, от миниб, тош кўтариш, кураш тутиш йўллариини ўргатиш атқанинг вазифасига кирарди. Жаҳонгир Мирзо Сохибқироннинг кўра кўзи, жонининг сурури эди. Хали Турон салтанати оёққа турмасдан аввал, Жаҳонгир Мирзонинг валиахд шаҳзода сифатида билардилар. У 1374 йилда Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг қизи Шакар бикадан туғилгани учун Хонзода хоним номи билан машҳур бўлиб кетган, араб тарихчиси Ибн Арабшохнинг таърифича, Хоразмнинг машҳур ишпан маликаси Валлодадан ҳам гўзал бўлган номдор қизи Севин бикага уйланди. Хонзода хонининг отаси хоразмшоҳ Хусайн Сўфининг инисини Оқ Сўфи — Шакар бикага уйланиши боис «кўрагон» унвоғига сазовор бўлганди.

Жаҳонгир Мирзо ёшлигидан бошлаб жангларда қатнашган, хусусан, Жетага қилинган юришларда кўп мар-

та иштирок этган. Айниқса, 1376 йилда Жетадаги жангда Амир Камариддин устидан ғолиб келиб, кўп ўлжаларга эга бўлган эди.

Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хоним икки йил умр кечиришди. Улар ниҳоятда бахтли эдилар. Чунки Хонзода хоним гўзаллар гўзали бўлган малика, Жаҳонгир Мирзо эса, Турон салтанати валиахди эди. Адибнинг таърифича, «одатдагидек, гулни тиконга қўлшадилар, балки гулни кўлма раво кўрдилар». Худо бир ўғил эди, унга Муҳаммад Султон деб исм қўйдилар. Бироқ 1376 йилда бего бўлиб қолган Жаҳонгир Мирзо ўғли қирқ кунлик бўлганда, Сохибқирон юртга бостириб кирган ёвни бартараф этиш учун Андижонга отланганда, оламдан кўз юмди...

Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи хотини Бахти Мулк оқа (Бахт Малик оқа ҳам дейишади), «Муизз ал-ансоб» да ёзилишича, Амир Илхосхожа қизи бўлиб, бу никоҳдан Пирмуҳаммад Жаҳонгир туғилади. Бу валиахд шаҳзоданинг оламдан

ўтганига қирқ кун бўлганда юз берди.

Сохибқирон икки ўғлини ўзи туфроққа қўйган. Бор-йўғи тўрт нафар ўғилнинг иккитасидан айрилиш Сохибқирон учун оғир синов эди. Умаршайх Мирзонинг вафоти қутилмаганда Курдистонда рўй берди. Фармонга кўра, Сохибқирон хузурига келаётган, Хармоту(р) деган қалъа ёнида тўхтаган Умаршайх Мирзо, ўзича ҳар ёққа ўқ отиб ўйнаб ўтирган бир одамнинг кирдикори туфайли оламдан кўз юмди. Ногоҳан отилган найза тасодифан унга келиб тегади... Бу пайтда ўттиз саккиз ёшли Умаршайх Мирзо Шероз шаҳрининг ҳокими эди. Ундан Пирмуҳаммад Мирзо, Рустам Мирзо, Исқандар Мирзо, Аҳмад Мирзо, Бойқаро Мирзо сингари амризодалар қолди. Шунингдек, марҳумнинг Насаб Султон, Саодат Султон, Жаҳон Султон, Бобо бегим, Зубайда Султон каби қизлари бўлган.

Шероз ҳокими Исқандар Мирзо ибн Умаршайх Мирзо тўғрисида бироз тўхталиш жоиз. Илм-маърифат ишларига ҳомилийк қилган амризода бор-йўғи ўттиз бир йил умр кўрди, холос. Унинг маърифий фаолияти мақтовларга лойиқ. Алишер Навоий «Махолис ун-нафос»да Хайдар Хоразмий ҳақида: «Султон Исқандар Шерозий моддий экан-дур... Ва Султон Исқандарни, дерларким, таъби назм эрди...» деб ёзади ва Исқандар Мирзонинг бир туюгини келтиради. Муниддин Натанзий ўзининг «Мунтахаби таворихи Муний» асарини Исқандар Мирзога бағишлаган, аллома Жамшид Қошии эса, «Мухтасар дур илми хайъат» рисоласини Исқандар Мирзо топшириғига кўра ёзган.

(Давоми бор)

Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати

Табиат, унинг бағридаги дов-даракту ўт-ўлан, ҳашорату паррандалар олами, ҳайвоноту сувести дунёси доимо сирлилиги, жозибадорлиги билан инсониятни ўзига жалб этиб келади. Масалан, биз кўриб, ўрганиб қолганимиз мититгина чулоқнинг ҳам яшаш тарзи шу қадар ўзига хос, мукамалки, беихтиёр ҳайратга тушсан киши. Шунингдек, бир қарашда, ўз билганича учиб кетаётганке туюладиган қушлар, масалан, турналар галаси ҳам, табиатшуносларнинг аниқлашича, қатъий тартиб асосида парвоз қилар экан.


Бундай ҳайратланарли ҳодисаларни ҳайвон ва қушларнинг фақат инсонга берилган неъмат — гапиришида ҳам кўриш мумкин. Бир қарашда, жониворлар умуман гапиролмайдигандек, гапирганда ҳам ўргатилганларни шунчаки тақрорлайдиганга ўхшайди. Аммо истиснолар ҳам йўқ эмас-да.

G'aroyib olam

Табуатнинг биз билмаган сирлари

ёхуд жониворлар гапира оладими?

Биология фанлари доктори Александр Дубров Боку шахридаги Бобоевлар оиласидаги Мэси лақабли мушук тўғрисида сўзлаб беради. Бу мушук ўнлаб рус ва озар сўзларини гапира оларкан. У кўпгина газета ва телекурсатувлар қаҳрамонига айланган бўлган. Гап шундаки, Мэси ўзининг лақабини бемалол айта олар, «раҳмат!», «кўришгунча хайр!», деган мулозиматларни ҳам жойига қўяди. Ҳатто бир қалб меҳмонлардан кимдир ҳаяжонини яширолмади: «Вой, қандай ажайиб мушукчангиз бор экан-а!» — деб юборганида, Мэси: «Мен мушукча эмас, мушукман!» — деб эътироз ҳам билдирган. Яна бир сафар эса, Мэси дераза дарпардасига тирмашиб олганда, унга «Қани, дарҳол у ердан туш!» — деб буюришади, мушук эса қатъий қилиб: «Таш-май-ман!» — дейди. Мушукнинг гаройиб хислатларига қизиқиб қолган бир журналист у ҳақда мақола ёзиш учун келиб, диванга чўкади. Шунда Мэси унга яқинлашиб: «Қани, менинг жойимни теъза бўшат-чи!» — дея талаб қилади.



Айтиш керакки, кўпгина жониворларда иккинчи нутқ — сигнал тизими рудименти борлиги аниқланган. Булар дельфинлар, сайроқи қушлар ва тўтилардур. Эҳтимол, жониворлар имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслиги боис уларнинг қобилиятлари намён бўлмай қолар. Зоопсихолог Ольга Силаеванинг таъкидлашича, иктидорли қушлар олти юзга яқин сўзларини айта олиш ва ҳатто жумлалар тузиш имкониятига эга экан. «Кўп йиллик тажрибалиримиз ва қушларнинг улар билан мулоқотдаги нутқини ёзиб бориш орқали тўплаган материалларни синчиқлаб таҳлил этиш натижаларига суянган ҳолда биз шунинг таъкидлашга журъд этамизки, қушлар, айниқса, тўти ва қарга каби юқори равишда шакланганларни махмуллаштириш ва аниқлаштириш қобилиятига эга», — дейди олимпиада журналистлар билан суҳбатда.

Луганскда истикомат қилувчи А.Трубчаева қарамогойдаги Фантик лақабли машҳур тўтқиш етти юзга яқин сўзни билади. Қушча бекаси билан бемалол суҳбатлаша олади. Масалан, у кечқурун инжиқ бола каби «Уйкум келаяти, кетдик ух-лашга!» — деса, тонда ух-ди соат сингари «Учаман! Учинчи сохлайман!» — деб дунёни бузади. Махсус асбоблар ёрдамида ёввойи қушлар овозларини таҳлил қилган тадқиқотчилар патли жониворлар томонидан чиқарилаётган айрим унли товушлар, масалан «а», «и», «у» график кўринишда одам нутқида хос таркибга эга эканлигини ҳам аниқлашди.

Албатта, олимларнинг бу кузатишлари, тадқиқотлари натижалари бахсли бўлиши мумкин. Аммо уларда битта муштарак нуқта бор. У ҳам бўлса, табиат сирлари, унинг бағридаги ҳар бир жонзотга хос хислатлар ҳали тамомила ўрганилгани йўқ. Аксинча, оламини қанча муфассал ўргансак, унинг кенглиги, бепойёлиги шунча ойдинлашаверади.

Дилфуза ҚУЗИЕВА тайёрлади.

Fuqarolik qonunchiligi

Олди-сотди шартномаси унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Айтиш керакки, олди-сотди шартномаси фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида олди-сотди шартномаси тўғрисида тушунчага эга бўлиш, унинг хусусиятларини ўрганиш ҳуқуқини муҳофиза қилувчи идора ходимлари учун ҳам, адвокатлар, юридик хизмат кўрсатиш билан шуғуллашувчи шахслар ва тадбиркорлар учун ҳам бирдек зарур.

Эндиликда олди-сотди шартномасининг мавзуда мулкчиликнинг турли шаклига мансуб бўлган мол-мулкдан, ашёлардан (масалан, ишлаб чиқариш воситалари, кўнар ва кўчмас мол-мулклар, истеъмол хусусиятига эга бўлган ва бўлмаган ашёлар) ҳамда уни тузишда қатнашувчи тарафлар, яъни фуқаролардан ҳам, юридик шахслардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 386-моддасига кўра, олди-сотди шартномаси бўйича (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчига) мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса, бу товарни қабул қилиши ва унинг учун белгиланган пул суммаси тўлаш мажбуриятини олади.

Олди-сотди шартномаси бўйича товарга бўлган эғалик ҳуқуқи ўзгармай қолиши ҳам мумкин. Сотувчи ва сотиб олувчи хусусий мулк ҳуқуқининг ёки турли шаклдаги, яъни хусусий ва оммавий мулк ҳуқуқининг субъектларидан бўлса, сотилган товарга нисбатан эғалик ҳуқуқи ўзгаради, у сотувчидан сотиб олувчининг иктиёрига ўтади. Агар сотувчи ҳам, сотиб олувчи ҳам мулкка эғалик қилиш ҳуқуқига эга бўлмаса ва ўз фаолиятини ўзига бириктириб қўйилган оммавий

давлат мулки асосида амалга оширса, олди-сотди шартномаси бўйича сотилган товарга нисбатан хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлади. Олди-сотди шартномаси муқталик шартномаси сифатида айрим тоифадаги турдош (чакана олди-сотди, маҳсулот, товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракт, энергия таъминоти, кўчмас мулкни, корхонани сотиш) шартномалардан ташкил топади. Турдош шартномалар ўз иқтисодий мазмунига кўра, олди-сотди шартномасидан иборат.

Айтиш керакки, олди-сотди шартномаси тузилганда унинг тарафлари ўртасида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади. Уларни бажармаслик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай оқибатларнинг юз бермаслиги, авваламбор, сотувчининг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришига боғлиқ. Шундай экан, сотувчи шартнома бўйича келишилган товарни сотиб олувчига ўз вақтида ва камчиликларсиз топшириши мақсадга мувофиқ.

Г.САДУЛЛАЕВА, Хива тумани 2-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси

(Давоми. Бошлангиш учинчи бетда)

Шу ўринда фикримизда бевосита мисоллар ёрдамида давон эттирадиган бўлсак, Сурхондарё вилоятида истикомат қилувчи Абдувоҳид Ражабов кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини контрабанда йўли билан Ўзбекистон ҳудудига олиб ўтиш ва сотиш мақсадида қашқадарёлик Жамолиддин Ганиев, Раҳимжон Қобилов, Абдували Маҳмудов ҳамда Шавкат Саъдуллаев билан ўзаро тил бириктириб, жиноий гуруҳ ташкил қилади. Улар 3,3 килограммдан кўпроқ «героин» ҳамда 0,5 килограмм «опий» гиёҳвандлик воситаларини боғжона чегарасидан яширин равишда ўтказган, терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Тожикистон Республикаси фуқароси «Азамат» исмили шахсдан Дашнобод қишлоғи ҳудудида 15 миллион 600 минг сўмга сотиб олади.

Энди мазкур воқеалар тафсилотига озгина ойдинлик киритсак. Халқимизда «кўр кўрни қоронғида топади», деган мақол бор. Абдувоҳид ҳам Жамолиддинни Самарқандда тасодифан учратиб қолади. Гап орасида «исмим Шоди, уругтликман», деб ўзини таништирган Абдувоҳиднинг гурунги аста-секин «заҳри қотил»га келиб тақалади.

Абдувоҳиднинг нима билан шуғулланишини англаган Жамолиддин унга «дори»дан қанча топиб берса, шунча сотиб олишини айтади. Сурхондарёга қайтиб келган Абдувоҳид Жамолиддин ҳадеб кўнги роқ қилаверган, ўзидаги мавжуд «заҳри қотил»нинг бир қисмини олиб йўлга чиқади. Улар ўзаро келишувга кўра, Уругт тумани ҳудудида учрашишади. Абдувоҳид ҳам-товоғи Жамолиддинга «юк»ни 9 миллион 600 минг сўмга пуллаяди.

Ўз ҳавойи нафси йўриғига кириб, ҳаром бойлик орттириш илнинида бўлган Жамолиддин Ганиев ўзининг бошқарувидаги «Нексия» русумли шахсий автомашинасига «юк»ни жойлаб, ортига, Косон туманига қайтган, мазкур туманда яшовчи жиноий шериклари Раҳимжон Қобиловга 0,5 килограммдан кўпроқ «героин»ни, Шавкат Саъдуллаевга ҳам шунча миқдордаги «опий»ни пуллаб юборади.

Орадан кўп ўтмай, бу оғуфурушлар тўдасига Қамаш туманида истикомат қилувчи, жиноий қилмиш-

Gijohvandlik — asr vabosi

«Сирли халқа» ёхуд оғуфурушларнинг кирдикорлари хусусида

лари учун аввал ҳам икки марта судданиб чиққан Абдували Маҳмудов келиб қўйилади. Кейинчалик тергов ва суриштирув асносида аниқланишича, Абдувоҳид Ражабов жиноятчи шерикларидан бири, айни пайтда хавфли рецидивист саналган оғуфуруш Абдували Маҳмудов, Раҳимжон Қобиловларнинг ноқонуний йўллар билан кўлга киритган 2,0 килограмм кўп миқдордаги «опий» гиёҳвандлик воситасини 6 миллион сўмга сотиб олиб, дастлабки тергов жараёнида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган Туркменистон Республикаси фуқаросига 8 миллион сўмга сотиб юборган.

Буни қарангки, орадан 4-5 кун ўтган, Ж.Ганиев «ўрганган кўнги» — ўртанса кўймас» қабилда иш тутиб, ҳамтавоғи А.Ражабовга яна кўнги роқ қилади ва навбатдаги «дори операцияси» ҳақида сўз очади. Аслида Абдувоҳидга ҳам шу керак эди, чунки Жамолиддин аллақачон унинг ишончли «ҳамкор»ига айланган улгурганди.

Шундан сўнг жиноятчи шериклар Самарқанд вилоятида, ўзлари белгиланган манзилда учрашишга қарор қилишади. Лекин бу гал улар ўзларининг чиркин мақсадларига эриша олмайди. Зеро, кун келиб ҳар қандай кўринишдаги жиноятнинг пайига болта урилиши тайин.

Хуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хушёрликлари, тезкор саъй-ҳаракатлари боис оғуфуруш А.Ражабов 800 грамм «опий» гиёҳвандлик воситасини жиноий шериги Ж.Ганиевга пуллаётган вақтида жиноят устида кўлга олинди.

Бундан ташқари Абдувоҳид Ражабов 10 килограммдан ортиқ, Раҳимжон Қобилов 1 килограммга яқин кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўз уйларида сотиш учун сақлаб келаётганлиги, шунингдек, Абдували Маҳмудов ўз шахсий томоғ-қасида 13 туп «каннабис» (қаноп)

ўсимлигини экиб, парваришлаётгани бу кимсаларнинг кимлигини фош қилиб қўйди. Бундай ўйлаб қаралса, бу жиноий гуруҳ аслида бутун бошли «занжир» дан иборат «сирли халқа»ни ташкил этган. Қолаверса, уларни бир қора маслак — оғуфурушлик балоси бирлаштирган.

Яна бир ачинарли томони шундаки, судга оид нарқологик экспертиза хулосасида жиноий гуруҳнинг икки аъзоси — Раҳимжон Қобилов ва Абдували Маҳмудов ёшлари бир жойга бориб қолганига қарамасдан, соғлик учун жуда хавфли иллат — гиёҳвандлик хасталиғига аллақачон мубтало бўлганлигини ва улар мажбурий равишда даволанишга муҳтож эканлиги қайд этилган.

«Қилмиш-қидирмиш», деб бежиз айтилмаган, албатта. Суд ҳайъати бу оғуфуруш кимсаларнинг барча кирдикорларини атрофлича муҳокама этиб, жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан, уларнинг ҳар бирига қамқоқ жазоси тайинлади.

Мухтасар айтганда, гиёҳвандлик иллоти нафақат бир кишининг тақдирини ўз ичига олиб, балки ўзгалар соғлиғига, ҳаётига ҳам жиддий таҳдид солади. Ўз-ўзидан аёнки, гиёҳвандликка мубтало бўлган ёхуд оғуфурушликни касб қилиб олган кимсалар нафсларини қондириш ҳамда машъум ниятларини амалга ошириш илнинида ҳатто оиласи, яқинларининг тинчини бузишади, уларнинг ҳаловатини йўқотишади.

Шундай экан, бу аччиқ ҳақиқатни ушбу қабих йўл бошида турганлар теранроқ англаб етиши, айни муддао бўлур эди.

Ботирли ДИЁРОВ, жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз тумани судининг раиси Абдунаби БОБОЁРОВ, «Куч — адолатда» муҳбири

Куч—АДОЛАТДА  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

Бош муҳаррир:  
Шодикул ХАМРОЕВ  
Газета 2007 йил  
23 февралда Ўзбекистон  
Маъбулот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам  
билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ  
Бўритош МУСТАФОЕВ  
Шерали РАҲМОНОВ  
Боқижон ЯХЎЕВ  
Жаҳонгир ХАЙДАРОВ  
Мавжуда РАЖАБОВА  
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Омонбой ОКЮЛОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Дилбар СУЙОНОВА  
Шюноус ҚОЗИЕВ  
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир  
Отабек  
САФАРОВ  
Саҳифачовчи  
Шероз  
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.  
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.  
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru  
Тел.: (8 371)239-02-54, 241-01-56  
Буортма: Г-416. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.  
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 7047.  
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20<sup>0</sup> Топшириш вақти: 23<sup>00</sup>